

Анбар Отин Фармонкул кизи (1870 — Кўкон — 1906) — ўзбек шоираси. Отаси Увайсийнинг жияни. Онаси Ашурбиби оддий косиб кизи. Анбар Отин Дилшод отин мактабида тахсил олган. Анбар Отин шеърлар ижод қилиш билан бирга махалласидаги ёш кизларга таълим ва тарбия бергани туфайли Отин номига эга бўлади.

Анбар Отин ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Ижодда кўпроқ Увайсийга эргашган. Навоийни биринчи устоз ҳисоблаган. Замондошлари Муқимий, Фуркат, Завкийлар билан таниш бўлган. Шеърларида уларга мурожаат қилган, улар билан бахslashган. Ўзбекча шеърлари (48 та)дан девон тузган. Ундан 41 газал, 4 мухаммас, 1 китъа, 1 маснавий, 1 мустазод ўрин олган (1905). 70-йилларнинг бошида шоиранинг 40 га яқин шеърдан иборат яна бир кўлёма девони, «Каролар фалсафаси» рисоласи, 160 мисралик «якка байт»лари топилди, тожикча газалларидан девон тузиш нияти бўлган, ammo бор-йўқлиги ҳозир номаълум.

Анбар Отин шеърлари аксарият ижтимоий мавзуда. Замона адолатсизлигидан, меҳнатчи халқ оғир аҳволдан сўз очади, маърифатни улуглайди. «Каролар фалсафаси» асарида аёлларнинг оғир қисмати ҳақида ҳикоя қилинади. Анбар Отин асарлари кўлёмаси Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида сақланади (инв. ? 1647).

Бегали Косимов

* * *

Эй гўзал Фаргона, ўзингни кел эмди, шод қил,
Хар газални бошида, сен, ўз отингни ёд қил,
Кайди бандни пора айлаб, ўзлугунг озод қил,
Кайгулик кунларни куйдур, барчасин барбод қил,
Эмди Туркистонда ҳақгўйлик ила фарёд қил.

Богларинг пажмурда бўлди зогларнинг пойидин,
Кўкрагинг садпора бўлди дайдиларнинг ёйидин,
Катра-катра кон томодур ўк тешкон жойидин,
Кип-кизил конлар оқодур жабр кўргон сойидин,
Ўз кўлинг бирла бу юртингни ўзинг обод қил.

* * *

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ.

* * *

Улгаюрсан, санда бор бўлса адаб,
Улгаюрсан, санга ер улса адаб,
Одам эрсанг, ташки сурата берма зеб,
Она юртингни ҳамиша айла зеб.

* * *

Одами аклу назокатда сулув,
Бўлса ахлоки садокатда сулув.

* * *

Жахон равшан зиёи илмдандур,
Кўнгил софи сафойи илмдандур.

* * *

Муродингни хаётинг ичра ахтар,
Ки мавхум илм ичинда бўлма ахгар.

* * *

Дунёни билмакка идрокинг гаров,
Зехн куймокка дили покинг гаров.
Яхши иш килмок учун йўкса ўкув,
Санга лозимдур ўкув бирлан ўкув.

* * *

Касб этар охиста-охиста киши фазлу хунар,
Богаро булбул боласи хушнаво кам-кам бўлур.
Мурги вахшини килолмас ҳеч ким якбора ром,
Донаю домини курдинг, мубтало кам-кам бўлур.

* * *

Кимки маърифатни этса эъзоз,
Ани ирфон этар, албатта, мумтоз.

* * *

Хар кимки ўзин уйлади, элдин хабари йўк,
Ул аблахи бедин ила савдо кила кўрма.

* * *

Ўз гунохингни сўраб элдин ўтин,
Нафрат ути ичра бўлмасдин ўтин.

* * *

Кимки эл гамидадур сухансанж,
Анинг хар сўзи дунёда улуг ганж.

* * *

Одам эрсанг ташки суратга берма зеб,
Она юртингни хамиша айла зеб.

* * *

Хирад элига куксин тутди когоз,
Хам ирфон ишкида кон ютди когоз.

* * *

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,
Ватан эрур сенга иккинчи она.
Сўзламасдин олдин сўзингни сина,
Хар бир сўздир умринг ичинда сина.

* * *

Фойдасиз сўзламаса кайси тил,
Она тил бўлгай ўша тил — она тил.

* * *

Танга озукдур хамиша тўгри лафз,
Миллату тилга хиёнат ўгри лафз.

* * *

Яхши одамлар ишидан ибрат ол,
Ибратормуз хизмат айлаб, иззат ол.

* * *

Чун кадам куйдинг бу йўлга бўлма бематлаб вале,
Фахри зиллат бўл, талашма гурбати мансаб вале.

* * *

Қошки, кулбам аро якбора ёрим келсалар,
Йўлларига жон нисор айлай нигорим келсалар.

* * *

гаразгўй агёрлар сўзига бовар килмаким,
Дилсиёхлик келтирур ўртада гаммоз озгина.

* * *

Зулм бўлгон ўлкада колмайди файз,
Тонггача кун нуридин олмайди файз.

* * *

Жахонгир кўшинларга кўйса оташ,
Анинг бошига бўлгуси балокаш.

* * *

Кимеким мард эрур инсоф лозим,
Билурга сўз дурин сарроф лозим.

* * *

Мехнату аклу вужуд иттифок,
Одамийда бўлса гар яхши тилак
Халк учун тебратгуси доим биллак.

ТАРЖИМАИ ХОЛ

Отам – Фармонкулийи Маргилоний,
Онам – Ашурбийийи Кўконий.
Алар белбокчи – бўзчи эрди касби,
Хамиша маккайидин эрди нони.
Ки, “бўзчи ёлчимас белбокка” доим,
Яна жуфт бўлмас эрди чопони.
Бизоат бўлмагач уй эрди нотинч,
Санаб бўлмас эди жанжал сони.
Хайит келса хамиша гавго бўлгай
Ки, йўкдур янги энгилдин нишоне,
Арафа- ийди курбон кечасида,
Ота-онам кўпорди галаёне.
Намоз куни иккиси айрилишди,
Бир уйча-ховлича сотдилар они.
Ман хам икки укам била бизлар,
Онам бирла бўлувдик сарсони.
Онам бирла колиб биз кўчаларда,
Отам кетди ба шахри Маргилони.
Онам бир эрга тегди Бешковокка,
Уни бор эрди читгарлик дўкони.
Яна богИ бор эрди бир танобча,

Икки танобча ерда дехкони.
Мани тарбият айлаб, хам укамни,
Хамиша берди бизга бугдой нони.
Онам кўрди ети фарзанд андин,
Бири кўркори бўлди кўзи они.
Мани уйга чикардилар шаҳарга,
Зохидхўжа деган новвой Кўконий.
Ул нийз кашшок эди аввалда ўзи,
Кари катта оноси-моли, жони.
Кийинрок бўлди, новвой ўзи танхо,
Кунимиз ўтди андак: чойи, ноний.
Мани фарзандларим тўрт бўлди-ю бас,
Мўминхўжам эди андак ёмони.
Бибахон – рохати, жоним анисим,
гариблик, дардманлик дармони.
Етиб колдим, мураббим бўлди шу киз,
Анинг бирла топиб жоним омони.
Усмонхўжам-халиму кобилимдур,
Ўқутди устод Хайруллохони.
Мани дардимга кўшди минг аламлар,
Вафоти эткан кизим Оминахони.
Шу дард бирла адо бўлдим, ёронлар,
Бу ёш богим бўлиб тезда хазони.
На рохат кўрдиму, на орзуни
Ки, ман йиглаб газал ёздим нихоний.
Аёллар ишк сўзини демакдин,
газал ёзмокдин ўзи эрди фоний.
Саххофга ёлбориб неча варақни,
Китоб ичига жойлаб кўйдим они.
Кимеки кўрса, ёд этса зора,
Ёруглик бўлса ул дунёи соний.

ГАЗАЛЛАР

Жахон-огуга келган Анбар отинман,
гаму кайгуга келган Анбар отинман.

Ямон соатда келдим ман жахонга,
Ини жодуга келган Анбар отинман.

Адаб ахли оёк остида хордур,
Чунин ёгдуга келган Анбар отинман.

* * *

Эй дўст, жахолат ахлига ошно бўла кўрма,
То келгунча бахту саодат шайдо бўла кўрма

Хар кимки ўзин ўйлади, элдин хабари йўк,
Ул аблахи бедин ила савдо кила кўрма.

Илмеки адаб, ишку мухаббатга йирокдур,
Билгилки сан ул илмни алсо била кўрма.

Хар ким амали эл фойдасига жори эмасдур,
Онинг юзини умрингда сан бир йўла кўрма.

Хар мугбача даф чолса, аё Анбари хушрўй,
То ошик эмас, ишкида багринг тила кўрма.

АЛИФБО

Алиф

Одам эрсанг маъни бил дона-дона,
Ватан эрур санга иккинчи она.
Сўзламасдин олдин сўзингни сина,
Хар бир сўздур умринг ичинда сина.

Бе

Улгаюрсан санда бор ўлса адаб,
Улгаюрсан санга ёр ўлса адаб.
Одам эрсанг, ташки сурат берма зеб,
Она юртингни хамиша айла зеб.

Те

Бир иш килки, эл ичра бўл бохурмат,
Икки дунё номинг бўлур боиззат.
Хаёнсиз эрса минг жафо машаккат,
Ул иш дейилмагай эл ичра мехнат.

Жим

Харобат элда султонлар олур бож,
Адолат илкида яксон ўлур тож.
Кимки эл гамидадур сухансанж,
Анинг хар сўзи дунёда улуг ганж.

Чим

Каю султон адолатга кўяр синч,
Кўл остида эли доим бўлар тинч.

Х-хуттий

Бутун умримда ер эдим гами субх,
Дам охирида келди бу дами субх.
Умидим субхидамдин бошланур сулх,
Диёримга суюниб тошланур сулх.

Х

Фалак кажравлигидин шом эрур талх,
гаму кайгу чекишдин ком эрур талх.

Д-дол

Башарни тарихи конуни аждод,
Анингдин илм топгуси хар авлод.
Бу йўксул эл хаёти гарчи барбод,
Бўлур авлодини рўзгори обод.
Хаёт тарихи элда некию бад,
На тавсиф билдирур, на хатти абжад.

З-зол

Манга халк рўзгори бўлди устоз,
На сифат китоби ван а таку тоз.
Хирад элига кўксин тутди когоз,
Хам ирфон ишкида кон ютти когоз.

Р –ре

Киши ўз тақдирига ўзи маъмур,
На маъмурлар яратган рўзи маъмур.
Муродингни хаётинг ичра ахтар,
Ки, мавхум илм ичинда бўлма ахгар.
Машаккатсиз хунардин чикмагай дур,
Хаёнсиз илм дурридин кўб эрур дур.
Кимики кўбни рангин этди заъфар,
Икки дунёда бўлмайди музаффар.
Минг йил армону хасратда окар Сир,
Музаффар элга сирини очар Сир.

З-зе

Кимки маърифатни этса эъзоз,
Ани ирфон этар албатта мумтоз.
Ўзингни элга хизматкор эткил,
Ишинг анжомига етгунча еткиз.

С-син

Шаханшохи номвар афзал бўлмас,
Хар адли хам зулмидин холи бўлмас.
Мани сўзимни тингланг, аюханнос,

Келур авлод даври ўзига хос.
Азалдин адл ила зулм эрди ножинс,
Зулмни паша килди, кимки ножинс.
Билингки, ўзига кўймас бино кас,
Такабурлик ўтида куйди нокас.

Ш-шин

Даригоким, хамиша кўнглим гаш,
Чароки, кўп халойик кўнгли гаш.
Хукмрон зулм тобора килур иш,
Ўзин жисмига кўп яро солур ниш.
Жахонгир кўшниларига кўйса оташ,
Анинг бошига бўлгуси балокаш.

С-сод

Биз адабда кўргумиз хусни касос,
Хуш куним деб ўтадур ахли асас.
Ким ўзин Намрудга айлар киёс,
Иброхимни кавмидин тортгай касос.

З-зод

Зулм бўлган ўлкада колмайди файз,
Тонггача кун нуруни олмайди файз.
Муфти эл бошига солгай янги фарз,
Ўлмагай то бермагунча элга карз.

Т-итки

Эл гамидин ўзгарок ўлмас бу хат,
Шунча килсам бир йўли бўлмас галат.
Йўлларимда жару(кўх), киру киёт,
Шул сабаб юганда килгум эхтиёт.

З-изги

Бекироат сўзламас ахли воиз,
Хар нидо килганда тинглайман гализ.
Танга ўзикдир хамиша тўгри лафз,
Миллату тилга хиёнат ўгри лафз.

'-айн

Адаб ирфон илми ичрадур шамъ
Акл ойинасида чехрадур шамъ

г-гайн

Бу вужуд бир кўлима берди ярог,
Бир кўлим ходисадин тутди чарог.
Ажнабий хайлига йўл бермади тог,

Учса хам кўнғали тоб этмади зог.

Ф-фе

Маърифат шоирини сўзи садаф,
Харзагўй ахли учун мисли хазаф.
Мадхдин воизи минг айласа лоф,
Дину важд орасида мингта хилоф.

К-коф

Мехнату аклу вужуд иттифок,
Шайхдин бу орага солма нифок.
Гарчи бу ахли вужуд бўйни синик,
Чиркинат таъсири йўк, кўнгли тиник.
Шайху пир кўрсатади йўлу-йўрук,
Огзида зикри худо, ўнгли курук.

К-коф

Одам эрсанг, кўнглинг этгил пок-пок,
Сандин этмасдин ўзини улки пок.
Хар нафас мазмун ила ўтса керак,
Гар хаёт мазмунини бўлса юрак.
Одамийда бўлса гар яхши тилак,
Халк учун тебратгуси доим биллак.

Л-лом

Яхши одамлар ишидин ибрат ол,
Ибратормуз хизмат айлаб, иззат ол.
Кимни илгидан бор эрса химмати,
Рангу рўйида кўрунгай рахмати.
Хар газалда янги мазмун айла хал,
То киёмат ранги ўчмас мисли хал.
Фойдасиз сўзламаса кайси тил.
Она тил бўлгай ўшал тил, она тил.

М-мим

Бош эгиб тургай хамиша харфи мим,
Ўйламанг таъзимда бор де зарбу бим.
Одамийлик хислатидур хам салом,
Хам бахойим этмас одамдек калом.

Н-нун

Она ер шаклидаги бу харфи нун,
Кўксида равнак топодур хар фунун.
Вакти келгунча такаббур осмон,
Сирни бермай тек турурмиш олумон.
Зуфунунлик хулласи била кийин,

Элга хикмат сирини айтгил кейин.
Ўз гунохингни сўраб элдин ўтин,
Нафрат ўти ичра бўлмасдин ўтин.

В-вов

Одами ахли назокатда сулув,
Бўлса ахлоки садокатда сулув.
Дунёни билмакка идрокинг гаров,
Зехн кўймокга дили покинг гаров,
Яхши иш килмок учун йўкса укув,
Санга лозимдур укув бирлан ўкув.
Бок хаётинг лавхасига, бўлма кув,
Гар нишони яхшилик топилса кув.

Х-хавваз

Качон еткурбуси ул кунни Оллох,
Хотунлар хуррам ўлса чекмайин ох.
Качон бахт ўлбуси бизлара хамрох,
Ки, токай банд ўлурмиз хамчу гумрох.
Нечун икбол биздин мунча саркўх,
Анинг куйида ермиз шунча андух.

И-ёй

Агар ирфонга вусъат берса бори,
Фунун захматга бергай эрди ёри.
Худо хотунни бахтин очса эрди,
Ки ховар ўз нурини сочса эрди.
Бу Анбар охини тингла Илохи,
Замона ахли ахволим гувохи.
Чукур мазмунда бу сўзлар тамоми,
Келур давронга колди итмоми.